

**ХИДИРОВА ЧАРОС МУРОДИЛЛОЕВНА**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИДА ҲОЛАТЛАРНИ АДАПТИВ  
БАҲОЛАШНИНГ МОДЕЛЛАРИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА  
ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ**

05.01.04-Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг  
математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



**ХИДИРОВА ЧАРОС МУРОДИЛЛОЕВНА**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИДА ХОЛАТЛАРНИ АДАПТИВ  
БАҲОЛАШНИНГ МОДЕЛЛАРИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА  
ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ**

05.01.04-Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг  
математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/T447 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раджабов Бахтиёр Шарипович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мўминов Баходир Болтаевич  
техника фанлари доктори, доцент

Рахимов Нодир Одилович  
техника фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «13» декабрь соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Тему́р кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2600 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Тему́р кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-43.

Диссертация автореферати 2019 йил «30» ноябрь кун тарқатилди.  
(2019 йил «12» ноябрь даги 19 рақамли реестр баённомаси.)



  
Р.Х. Хамдамов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
Ф.М. Нуралиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

  
Х.Н. Зайнидинов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ижтимоий-ташкилий жараёнларнинг фаолиятини баҳолаш масаласи юзага келиб, уларни илмий асосда самарали ечимини топишда ахборот оқимининг қонуниятларини аниқлаш, маълумотлар ва билимларни узатиш, уларни самарали қайта ишлаш, шунингдек ишончлилигини адаптив баҳолаш ва қарор қабул қилишга кўмаклашиш тизимларининг математик моделларини тузиш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жаҳоннинг етакчи хорижий давлатларида, жумладан АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, Белоруссия ҳамда Ўзбекистонда салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон амалиётида фундаментал усуллар-таснифларни аниқлаш назарияси, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва оптималлаш усуллари асосида мураккаб ахборот тизимлари, жумладан таълим тизимидаги ҳолатларни классификациялаш ва адаптив баҳолаш тизимининг архитектураси, фаолият қонунлари, кўлланиш сценарийларини ва дастурий таъминотларини ишлаб чиқишга доир кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан таълим тизимида ҳолатларни адаптив баҳолаш, хусусан суест формаллаштириладиган мураккаб ахборот тизимлар гуруҳига тегишли бўлган билимларни адаптив назорат қилиш тизимидаги ахборот оқимларининг қонуниятларини аниқлашда уларнинг математик моделлари ва мос дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий масала ҳисобланади.

Республикамизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, маълумотларга ишлов бериш ва ишончлилигини баҳолаш, ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ... иктисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, хусусан таълим тизимида ҳолатларни адаптив баҳолашнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга қадар таълим жараёни ва тест-назорат тизимини моделлаштириш, алгоритмлаш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш масалалари, жумладан виртуал тест-назорат тизимининг архитектураси ва уни жорий этиш йўналишида ихтисослашган илмий муассасаларда кўплаб олимлар илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, А.Риос, W.J.Linden, Н. Wainer, F.M.Lord, С.Ромега, Р.О.Рагдале, Б.Ф.Скиннер, Л.А.Растринг, Е.И.Машбиц, Ю.И.Журавлёв, А.П.Свиридов, Л.В.Зайцева, А.В.Соловов, В.С.Аванесов, А.И.Башмаков, Н.О.Прокофьева ишларидан маълумотларнинг интеллектуал таҳлил қилиш, тимсолларни таниб олиш, объектларни синфлаштириш ва таълим жараёнларидаги ҳолатларни моделлаштириш масалалари ўрганиб чиқилди.

Республикамызда эса бу йўналишда академиклар М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, профессорлар Ш.Х.Фазылов, Н.А.Игнатъев, Н.С.Маматов, Б.Ш.Раджабов, А.Х.Нишанов, О.Ж.Бобомурадов ва бошқаларнинг илмий ишлари маълум.

Ҳозирги кунда мослашувчан виртуал тест-назорат тизимининг архитектураси, унинг дастурий таъминотини тест-назорат топшириқларининг мураккаблик даражасини аниқлайдиган модел ва алгоритмлар асосида турли платформаларда генерацияланувчи, дастурлаш муҳитларининг сўнги версияларида ишлаб чиқиш, компиляторлар ёки операцион тизим даражасида жорий этиш технологияларини яратиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №АТД-17-014 «Олий таълим тизимида ўқув жараёнларини виртуаллаштиришнинг дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш» (2009–2011), №ИТД-17.БФ-Ф1-007 «Формаллаштирилиши қийин

бўлган информацион структураларда қарор қабул қилишни қўллаб туриш учун маълумотларни тасвирловчи ва қайта ишловчи интеллектуал дастурий техник тизимларини қуришнинг назарий-методик асослари» (2008–2010) ва «IT-Nation» (2018–2021) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мураккаб ахборот тизимлар туркумига кирувчи таълим ахборот-бошқарув тизими ўқув жараёнида ҳолатларни адаптив баҳолашнинг моделлари ва алгоритмик-дастурий таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мураккаб тизимларда ҳолатларни адаптив баҳолашнинг мавжуд усуллари, алгоритмлари, дастурий таъминотларини таҳлил қилиш ва ўқув жараёнилари компоненталари фаолиятини формаллаштириш;

мураккаб тизимларда ҳолатларни адаптив баҳолаш ва таснифлаш масалаларини ечиш учун самарали усул ишлаб чиқиш;

таълим тизими ўқув жараёнидаги ҳолатларни адаптив баҳолашнинг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

адаптив назорат тизими маълумотлар базаси ва ўқув танланмаларни тўғри шакллантириш учун эксперт хулоса сифатини баҳолаш механизми ва дастурий модулини ишлаб чиқиш;

адаптив назорат тизимининг функционал тузилмаси, маълумотлар тузилмаси ва корпоратив тармоқ муҳитида ишлашга мўлжалланган мос алгоритмик дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мураккаб ахборот тизими компонентаси ҳисобланган адаптив тест-назорат жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўқув жараёни қонуниятларини формаллаштирувчи математик модел ва алгоритмлари, объектга йўналтирилган дастурлаш технологиялари ва тармоқ технологиялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли таҳлил, мураккаб ахборот тизимларини математик моделлаштириш, тимсолларни аниқлаш, эксперт тизимлари, алгоритмлаш асослари, ахборот тизимларини формаллаштириш, объектга йўналтирилган дастурлаш технологиялари ва тармоқ технологиялари усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишда таснифлаш масалаларини ечиш учун сирпанувчи ойналар асосида аппроксимациялашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

сирпанувчи ойна усули асосида мураккаб тизимларда объектлар ҳолатини адаптив баҳолаш моделлари ишлаб чиқилган;

баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари асосида адаптив баҳолаш тизимида экспертлар сифатини баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

корпоратив тармоқда ишлашга мўлжалланган тақсимланган виртуал назорат тизими компонентларининг ўзаро таъсир протоколи алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мураккаб информацион тизимлар туркумига кирувчи таълим тизимининг барча босқичларидаги ўқув жараёнларни тизимли таҳлили, уларни ташкил этувчилари орасидаги информацион боғланишларнинг қонуниятларига асосланган математик модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

мураккаб ахборот тизимлари учун қарор қабул қилишга кўмаклашиш модуларини ишлаб чиқишда объектлар ҳолатини адаптив баҳолаш масаласини ечиш усули ва дастурий модули ишлаб чиқилган;

ўқув жараёнининг асосий компоненталаридан бири бўлган адаптив тест-назорат тизимининг виртуаллаштиришга қаратилган модел ва алгоритмлар ишлаб чиқилган;

IDEF методологиялари асосида мураккаб тизимларда ҳолатларни адаптив баҳолаш тизимининг функционал ва инфологик тузилмалари ва унинг мос дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** услубий жиҳатдан масаланинг математик қўйилиши ва уни ечишда қўлланилган таниб олиш усул ва алгоритмларининг қатъийлиги, ечилган масалаларнинг назарий ва амалий натижаларга мувофиқлиги, тест функцияси натижалари ҳамда реал амалий соҳаларга тадбиқи натижаларини солиштиришдаги мослиги орқали асосланади. Ишлаб чиқилган дастурий модуларнинг тармоқ муҳитида инициализация қилинганлиги ва уларнинг олий таълимнинг реал секторидаги ўқув жараёнларига тадбиқлари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мураккаб ахборот тизимларида ҳолатларни адаптив баҳолаш тизимини қуриш учун ишлаб чиқилган усул, модел ва алгоритмлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усул, модел ва алгоритмлар асосида қурилган адаптив баҳолаш тизими, ҳамда унинг самарадорлигини ошириш механизмлари ташкил этилиб, уларни амалиётда қўлланилиши объектлар ҳолатини аниқлашда қарор қабул қилиш жараёни самарадорлигини ошириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таниб олиш усуллари ёрдамида мураккаб тизимларда ҳолатларни адаптив баҳолаш масалаларини ечиш мақсадида ишлаб чиқилган модел, алгоритм ва дастурий таъминот асосида:

модул шаклидаги иссиқлик алмаштирувчи радиатор маҳсулотларини ишлаб чиқишда уларнинг ҳолатини баҳолаш ҳамда техник, иктисодий ва ижтимоий ҳолатларини таҳлил қилиш амалиётида бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи Adaptive Assessment дастурий воситаси «Автотракторрадиатор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7392-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида корхонада ишлаб чиқарилган модул шаклидаги

иссиқлик алмаштирувчи радиатор маҳсулотларининг иш жараёнидаги ҳолатини аниқлашда қарор қабул қилиш самарадорлиги 10 фоизга ошган ва бу умумий иш фаолиятининг фойдалилик коэффициентини йилига 4–5 фоизга ўсиш имконини берган;

сирпанувчи ойна усули асосида ишлаб чиқилган мураккаб тизимларда ҳолатларни адаптив баҳолаш моделлари ва дастурий модуллари Қашқадарё вилояти ҳокимлиги хузуридаги «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонасида ахборотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини баҳолаш ва таснифлаш масалаларини ҳал этишда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7392-сон маълумотномаси). Ахборотларни қайта ишлаш ва адаптив баҳолаш тизимида хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти мониторингини 20–30 фоизга тезкор ўтказиш орқали умумий иш фаолиятининг коэффициентини йилига 4–6 фоизга ўсиш имконини берган;

мураккаб тизимларда ҳолатларни баҳолаш ва унинг натижасида тегишли таҳлил ҳамда бошқариш масалаларининг ечимига қаратилган модел, алгоритм ва дастурий модуллардан фойдаланиб, ташкилотларда мутахассислар билим ва кўникмаларини адаптив баҳоловчи дастурий воситалар ишлаб чиқишда «BePro дастурчилар маркази» ва «DeveloperGroup» МЧЖларда жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7392-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган модел ва алгоритмлардан фойдаланиб, дастурий воситалар яратиш натижасида дастурчилар маркази йиллик даромадини 25 фоизга ошишига эришилган;

ўқув жараёнидаги ҳолатларни адаптив баҳолаш, билим олувчиларни объектив баҳолаш ва қобилиятига кўра таснифлаш ҳамда академик кредит тизимида талабаларнинг кейинги босқични танлашларида тўғри қарор қабул қилишда кўмаклашиш модулларига эга дастурий таъминот Тошкент ахборот технологиялари университети ва Чирчиқ давлат педагогика институтида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7392-сон маълумотномаси). Ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган усул, модел ва алгоритмлар асосида қурилган адаптив баҳолаш тизимининг ўқув жараёнларига қўлланилиши анъанавий услуга нисбатан 8–12 фоизга кўпроқ самарали натижага эришиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг назарий ва амалий жиҳатлари 7 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, 7

таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган, ҳамда 3 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилigi ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Мураккаб ахборот тизимларида ҳолатларни адаптив баҳолаш масалалари**» деб номланган биринчи бобида мураккаб ахборот жараёнлардаги ҳолатларнинг тизимли таҳлили ва уларнинг дастурий концепцияси, мураккаб ахборот тизими мисолида ўқув жараёнининг модели ва уни виртуаллаштириш масаласи, ҳамдада ўқув жараёнининг асосий компоненти бўлган билимларни назорат қилиш ва адаптив баҳолаш тизимларининг таҳлили ва уларни ишлаб чиқиш асослари баён этилган.

Мураккаб информацион тизимларда юз берадиган муаммоли ҳолатлар классификацияси баҳонинг объективлигини таъминлаш учун информацион окимлардаги маълумотларни адаптив усуллар ва алгоритмларни ва тегишли дастурий таъминотни яратиш заруратини талаб қилади. Жумладан, мураккаб ахборот тизимлари туркумига кирувчи ўқув жараёнининг тизимли таҳлили мустақил ўқув фаолиятини мониторинги ва ўқув самарадорлигини аниқлаш асосида ишлаб чиқишга асосланмалар келтирилган.

Адабиётларда берилган илмий-амалий маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, академик кредит тизимларида ўқув жараёнининг базавий компоненталаридан бири бўлган тест-назорат тизимини интеллектуаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Билим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини объектив ва адекват баҳолашда виртуал назорат тизимига адаптивлик хусусиятини киритиш имкониятларини берувчи усуллар, алгоритмлар ва тегишли дастурий таъминот яратиш, уларни жорий этиш замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг долзарб муаммоси эканлиги асосланди ва ушбу ҳолат диссертация ишининг асосий мақсади сифатида шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Таълим тизимида ҳолатларни адаптив баҳолаш моделлари**» деб номланган иккинчи бобида ўқув жараёнининг математик моделлари асосида билим олувчи ҳолатини адаптив баҳолаш механизми, билимларни адаптив баҳолашнинг функционал параметрлари, чизикли-бўлакли аппроксимация усули асосида билимларни адаптив баҳолаш модели, мураккаб тизимларда объектлар ҳолатини адаптив баҳолашда сирпанувчи ойна усули, адаптив назорат тизимида экспертлар сифатини баҳолаш алгори-


тмлари, ҳамда мураккаб тузилмали ўқув-ахборот тизими тест топшириқларининг ишончлилиги ва ҳолатларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Таълим тизими, хусусан унинг базавий қисми бўлган ўқув жараёнларини виртуаллаштиришда унинг математик моделини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнининг асосий қисми бевосита билим олувчиларни ўқитиш ҳисобланган ҳолда, унинг математик модели ўқув жараёни моделининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда ўқув жараёнининг асосий погоналари ва уни бошқаришнинг математик модели тақлиф этилди. Ўқув жараёни фаолиятига таъсир қилувчи бир қатор факторлар мавжуд бўлиб, бундай ҳолатларда яратилган моделни мослаштириш талаб этилади. Моделни мослаштириш кўп ҳолларда унинг параметрлари даражасида бажарилиб, у қуйидаги масалани ечиш орқали амалга оширилади:

$$\|f_1(X, U, C) - f(X', U')\| \xrightarrow{C \in D} \min \Rightarrow C^*$$


бу ерда,  $C^*$  – мослашган модел параметрлари,  $C = (c_1, c_2, \dots, c_k)$  – модел параметрлари,  $D$  – параметрларнинг ўзгариш соҳаси,  $X = (x_1, x_2, \dots, x_n)$  – билим олувчининг (ёки билим олувчилар жамоасининг) бошланғич ҳолати,  $U = (u_1, u_2, \dots, u_q)$  – ўқув жараёнига таъсир этувчи ҳолатлар, яъни берилиши режалаштирилган билим ва ахборотлар мажмуаси,  $X'$  – билим олувчининг тест-назорат саволларига берган тўғри жавоблари миқдори,  $U'$  – билим олувчининг маълумотларни ўзлаштириш натижасида олган билим даражаси.

Ўқув жараёнининг математик моделини ҳосил қилиш ўқув жараёнини формаллаштириш имкониятини берган ҳолда, уни қўйилган мақсад сари бошқариб бориш имконини беради. Ўқув жараёнининг асосий мақсади ўқитиш самарадорлигини оширишдан иборат. Таълим тизимларида билим олувчилар билимини назорат қилиш ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Виртуал ўқув жараёнларида билимини назорат қилиш автоматлаштирилган тест-назорат тизими асосида амалга оширилади. Билимини назоратдан ўтказишнинг умумий схемасини кўриб чиқамиз. Умумий ҳолда назорат, ҳар бир билим олувчи модели асосида куриладиган, бир неча  $C_i$  сеансларда амалга оширилади. Ўз ўрнида сеанслар натижаси моделларни ўзгаришига олиб келади (1-расм).



**1-расм. Билимини назорат қилиш ва билим олувчи моделлари сеансларининг ўзаро таъсири**


Билимини назорат қилиш сеансини ўтказишнинг умумий схемаси 2-расмда келтирилган.



2-расм. Билимни назорат қилиш сеансини ўтказишнинг умумий схемаси

$Q$  саволлар тўпламидаги назорат топшириғини шакллантириш учун билим олувчига бериладиган тўпламостини саволлари танланади. Буни актуал тўпلام  $Q_A$ ,  $Q_A \in Q$  деб атаймиз. Аввалдан маълумки, бу тўпلام билим олувчи модели  $M$  ва саволлар параметрлари  $P_Q$  га боғлиқ. Сўров жараёнида бу тўпلام ўзгаришларга учраши мумкин. Навбатдаги саволга билим олувчи берган жавобига асосан, актуал тўпلامнинг ўзгариши, билим олувчи модели модификацияси ёки саволларнинг бошқа параметрлари берилиши орқали амалга ошириши мумкин. Актуал тўпلام ва билим олувчи жавобига таскари алоқа мавжудлиги назорат ўтказиш вақтида билим олувчига  $Q_A$  адаптацияни таъминлайди. Тадқиқот ишида адаптив назорат тизимини шакллантиришда таснифлаш усули билан тест топшириқларининг мураккаблигини аниқлаш механизми ишлаб чиқилган. Тест топшириқларини мураккаблик даражасига кўра таснифлаш жараёни схемаси 3-расмда келтирилган бўлиб, бунда  $Q$  – фан соҳаси,  $S_n$  –  $n$  та фандан назорат топшириқлари фонди,  $q_{nm}$  –  $n$  чи фандан  $m$  та назорат топшириқлари,  $T_{0n}$  –  $n$  чи фандан ўтказилган бошланғич назорат,  $q_{mK_{n1}}$  –  $n$  чи фандан  $K_1$  - синфга тегишли бўлган  $m$  та назорат топшириқлари,  $T_n$  –  $n$  чи фандан ўтказилган назорат. Ушбу схемада адаптив назорат топшириқларининг мураккаблигини аниқлашда назорат топшириқларининг мураккаблигига қараб таснифлаш жараёни келтирилган бўлиб, таснифлаш бошланғич тестлаштириш натижалари асосида амалга оширилади.

Чизиқли-бўлакли аппроксимациялаш усулидан ўқитиш ёки назорат қилишда баҳолаш ва кўпбосқичли ўқитиш дастуридан ифодалаш усулини танлаш (билим олувчиларни ранжировкалаш) да фойдаланилди. Ушбу усулни амалга ошириш алгоритми, асосан муҳимлиги ( $z$ ), қийинлиги ( $d$ ), спецификация ( $s$ ) дан иборат бўлган дидактик характерларига кўра ўқитиш дастуридаги топшириқларни классификациялашга асосланган. Муҳимлик ва қийинлик характеристикалари учта қийматдан (минимал, ўртача ва максимал) бирини қабул қилади, спецификация эса тўртта қийматдан (“аниқлаш”, “қуриш”, “мисол”, “қоида” туридаги топшириқлар) бирини қабул қилади. Шунга кўра, ҳар бири ўзининг вазнлилик коэффициентига кўра, мос равишда топшириқларнинг  $m$  та синфга ажратилди.  $W_i = f(z_i, d_i, s_i)$ ,  $i=1,2,\dots,m$ .



3-расм. Тест топшириқларини мураккаблик даражасига кўра таснифлаш жараёни схемаси

Билим берувчининг характеристик функцияси куйидаги формула асосида аниқланади

$$y = \sum_{i=1}^n W_i x_i,$$

бунда,  $y$  шартли баҳо – билим олувчининг  $n$  топширикни бажарганлиги учун тўплаган баллар сони;  $x_i$  –  $i$ -чи топширикни бажарганда олган баҳо;  $n$  – топшириклар сони;  $W_i = \{W_1, W_2, \dots, W_m\}$  – топширикнинг вазнлилик коэффицентлари вектори.

Куйида билим олувчининг  $n$  та топширикни бажарганлиги учун тўплаган  $A$  – ўртача балл куйидагича аниқланади:

$$A = \frac{y}{C_u},$$

бу ерда,  $C_u$  –  $n$  топширикни бажаришга уринишлар сони,  $C_u \geq n$ .

Аниқланган  $A'$  - ўртача балл куйидаги формулага кўра ҳисобланади:

$$A' = A + \alpha_1 r + \alpha_2 \frac{C_u - n}{n} + \alpha_3 \frac{C_m}{n} + \alpha_4 \frac{C_v}{n}, \quad (1)$$

бунда,  $r$  – билим олувчи рангги (1, 2 ёки 3 га тенг);  $C_u$  –  $n$  топширикни бажаришга уринишлар сони;  $C_m$  – маълумот берувчи материалларга муурожаатлар сони;  $C_v$  – белгиланган вақтдан ўтиб бажарилган топшириклар сони ( $C_v \leq n$ );  $\alpha_1, \alpha_2, \alpha_3, \alpha_4$  – функция коэффицентлари.

$P$  - баҳо тўртбаллик назоратда куйидаги формулага кўра аниқланади.

$$P = \begin{cases} 2, & \text{агар } A' \leq c_1 \\ 3, & \text{агар } c_1 < A' \leq c_2 \\ 4, & \text{агар } c_2 < A' \leq c_3 \\ 5, & \text{агар } A' \leq c_3 \end{cases} \quad r = \begin{cases} r_0 - 1, & \text{агар } A' < c_4 \\ r_0, & \text{агар } c_4 < A' \leq c_5 \\ r_0 + 1, & \text{агар } A' > c_5 \end{cases}$$


Бунда,  $c = \{c_1, c_2, c_3, c_4, c_5\}$  – чегаравий қийматлар вектори.  $c_4$  ва  $c_5$  чегаравий қийматлар билим олувчи ранггини аниқлашда фойдаланилади.  $r$  – бу,  $n$  та топширикни бажаргандан кейинги билим олувчи рангги,  $r_0$  – бу,  $n$  та топширикни бажаришдан олдинги билим олувчи рангги.

Вазнлилик коэффицентлари қиймати  $W_i$  ( $i=1, 2, \dots, m$ ), чегаравий қийматлар  $c_j$  ( $j=1, 2, 3$ ) ва  $\alpha_k$  ( $k=1, 2, 3, 4$ ) функция коэффицентларига тегишли бўлган назорат параметрлари ўқитиш босқичидаги назорат эксперименти натижаларига кўра аниқланади.

Чизикли-бўлакли усул асосида билим олувчиларни адаптив баҳолаш жараёни 4-расмда келтирилган.

Чизикли-бўлакли аппроксимациялашда сирпанувчи ойна усулини қўллаш орқали таснифлаш жараёнида ўқитиш аниқлиги оширилади. Сирпанувчи ойна усули қаторнинг алоҳида бўлақлари учун қурилган қатор ҳадларини полиномлар билан кетма-кет силлиқлаш ғоясига асосланган бўлиб, куйидагича ташкил этилади. Аввало қаторнинг биринчи  $N$  ҳадлари учун  $p$  даражали кўпхад қурилади, бунда  $p \leq N - 1$  бўлиб,  $N$  ихтиёрий бўлиши мумкин ва полином қиймати, унинг аниқланиш соҳаси қурилган функция (чизикли бўлакли аппроксимация асосида) қийматларига кўра аниқланади. Сўнгра бир

кадам ўннга силжитиш орқали  $N$  қатор қийматлари олинади, янги полином қурилади ва унинг қийматлари асосида янги функция қурилади ва х.к. (5-расм).



4-расм. Чизикли-бўлакли аппроксимация усули асосида билимларни адаптив баҳолаш модели

Шунга кўра, кейинги босқичга ўтиш жараёнида қаторнинг барча қийматлари бўйлаб  $N$  кенгликдаги гўёки «ойна»лар силжиши содир бўлади.  $N$  нинг тоқ қийматларини танлаш қулайроқ, чунки бу ҳолда сирпаниш оралигининг ўрта нуқтаси (полином қийматини ҳисоблаш нуқтаси) кетма-кетлик қиймати ўлчанадиган кейинги момент билан доимо мос келади. Бир қатор сирпанувчи ойналарнинг сегментлари бўйича тузилган полиномларнинг ҳисобланган қийматлари қатори таҳлил қилинадиган қатор қийматларининг силликланган баҳосини (аниқ қийматларини) беради.

Белги	$N$	$A$	$C_m$	$C_n$	$r$
1-объект	0.331521739	0.18731112	0.070207453	0.923076923	0
2-объект	0.336956222	0.190570036	0.069583173	1	0.5
3-объект	0.338768116	0.187134897	0.072128313	0.769230769	0.25
4-объект	0.335144928	0.165912319	0.059210526	0.884615385	1
5-объект	0.336265622	0.177432797	0.064025086	0.884615385	0.75
6-объект	0.018113942	0.24521824	0.000144083	0.854615385	0
7-объект	0.231884058	0.125569485	0.173405686	0.538461538	0.5
8-объект	0.231884058	0.129014624	0.165962351	0.576923077	0.25
9-объект	0.231884058	0.131833374	0.19861698	0.423076923	0.5
10-объект	0.231884058	0.130521344	0.184306609	0.461538462	0.25
11-объект	0.231884058	0.129514042	0.177295428	0.384615385	0.5
12-объект	0.922101449	0.521929793	0.171676911	0.576923077	0.5
13-объект	0.923913043	0.525973927	0.173808761	0.576923077	0.5
14-объект	0.333333333	0.156567273	0.058809431	0.133846154	1
15-объект	0.338768116	0.194015175	0.090717639	0.730769231	0
16-объект	0.34057971	0.102762397	0.064854015	0.115384615	0.25
17-объект	0.608695652	0.31689111	0.165818287	0.423076923	0
18-объект	0.61948777	0.349939886	0.194269771	0.462876984	0.25
19-объект	0.623188406	0.355293402	0.171436804	0.423076923	0.75
20-объект	0.621376812	0.347624369	0.165482136	0.384615385	0.25
21-объект	0.619565217	0.349088765	0.168453947	0.423076923	0.5
22-объект	0.608695652	0.339210442	0.177535536	0.230769231	0.25
23-объект	0.608695652	0.341394338	0.172205148	0.384615385	0.25
24-объект	0.619565217	0.347023974	0.181137149	0.346153846	0.25
25-объект	0.619565217	0.349833866	0.157510565	0.653846154	0.25
26-объект	0.619565217	0.34832694	0.164617749	0.576923077	0.25
27-объект	0.619565217	0.345694434	0.175710718	0.384615385	0.25

5-расм. Сирпанувчи ойна усули

Ойна қаторга тегишли бўлган тоқ кийматларни  $N=2m+1$  ўз ичига олади. Қулайлик учун ва умумийликни чекламаган ҳолда, биз уларни бутун сонлар билан белгилаб оламиз  $S = -m, -(m-1), \dots, -1, 0, 1, \dots, m-1, m$ . Бунда ойнанинг ўрта нуқтаси  $S=0$  га тенг. Полином коэффициентларини баҳолашда энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, қуйидаги ифода ҳосил қилинди:

$$\alpha_0 = c_0 + c_1 y_{-m} + c_2 y_{-(m-1)} + \dots + c_{2m+1} y_m \quad (2)$$

$\sum_{S=-m}^m S^j$  кўринишдаги йиғинди фақат  $m$  га боғлиқ бўлганлиги сабабли, (2) тенгламада барча  $c_j$ ,  $j=1, 2, \dots, 2m+1$  коэффициентлари фақат  $m$  ва  $p$  га боғлиқ бўлиб,  $y_s$  кузатувларга боғлиқ эмас.  $S=0$  нуқтада қаторнинг силликланган кийматлари  $\bar{y}_0 = f(0) = \alpha_0$  га тенг. Шунга кўра  $S=0$  нуқтада қаторнинг силликланган киймати,  $2m+1$  нуқталарда унинг кузатиладиган кийматларининг ўртача вазнига ( $c_j$  вазни) тенгдир. Сирпанувчи ойна усулидан фойдаланиб трендни баҳолашда, фақат  $m$  ва  $p$  ни танлашга боғлиқ бўлган доимий  $c_j$  коэффициентларни аниқлаш зарур, сўнгра  $\alpha_0$  ни (1) формулага кўра ҳисобланади.

Сирпанувчи ойна усулида қаторларни силлиқлаш орқали янада аниқроқ натижа олиш мумкинлиги тест топшириқларининг мураккаблигини аниқлаш мисолида кўриш мумкин. Сирпанувчи ойна усулининг энг оддий вариантини қўллаганда, берилган қаторни юқори даражали полиномлар билан силлиқлаганга қараганда анча яхши натижа бериши кузатилди.

Сирпанувчи ойна усулини қўллашда, ойна кенглигини аниқлаш масаласи келиб чиқади. Шунга кўра, 1-даражали полином билан сирпанувчи чизикли-бўлакли аппроксимациялаш ёрдамида силлиқлашни амалга ошириш ва шу асосида берилган маълумотларнинг хусусиятига қараб сирпанувчи ойна кенглигини мослаштириш усули кўриб чиқилди.

Сирпанувчи ойна кенглигини танлаш шартлари қуйидагича ифодланади:

$$|\delta a_i| \leq k \gamma_i. \quad (3)$$

бу ерда,  $k$  – стандарт оғишнинг 1 дан 3 гача бўлган ишонч оралиғи кенглигини белгилаш коэффициентини,  $a_i$  – кичик квадратлар усули бўйича модел коэффициентини баҳолаш,  $\gamma_i$  – моделнинг  $i$ -коэффициентининг стандарт оғиши.

(3) натижа модел коэффициентлари дисперсиясининг маълум кийматига кўра берилган маълумотларининг характериға қараб, сирпанувчи ойнанинг кенглигини танлаш учун адаптив тизимни яратишга имкон беради.

Диссертация ишининг «Таълим тизимида ҳолатларни адаптив баҳолаш алгоритмлари ва дастурий таъминоти» деб номланган учинчи бобида сирпанувчи ойна усули асосида таълим тизими объектлар ҳолатини адаптив баҳолаш ва баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари асосида билим олувчиларни қобилиятига кўра таснифлаш масалаларининг ечими келтирилган, ҳамда билимларни адаптив назорат қилиш тизимининг информацион моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган, шунингдек тақсимланган адаптив назорат тизимини ташкил этиш жараёни баён этилган.

Иккинчи бобда ишлаб чиқилган усулларга кўра тест топширигининг мураккаблигини қуйидаги формулага кўра ҳисобланади:

$$d' = d_s + \beta_1 t_{avg} + \beta_2 C_i + \beta_3 D_1 + \beta_4 D_2 + \beta_5 D_3$$

бунда,  $d_s$  – тест топшириғига берилган экспертлар баҳоси (жуда осон, осон, ўртача, қийин, жуда мураккаб);  $t_{avg}$  – тест топширигини бажаришга кетган ўртача вақт,  $C_i$  – тест топширигининг компетентлик даражаси,  $D_1$  – 100% тўғри бўлган жавоб вариантлари танланган тест топшириқлари миқдори,  $D_2$  – 75% тўғри бўлган жавоб вариантлари танланган тест топшириқлари миқдори,  $D_3$  – 50% тўғри бўлган жавоб вариантлари танланган тест топшириқлари миқдори,  $\beta_1, \beta_2, \beta_3, \beta_4, \beta_5$  – функциянинг изланаётган коэффицентлари.

Адаптив назорат тизимининг ишлашини тавсифлаш учун IDEF методологияларидан фойдаланилди. «Билимларни назорат қилиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш модули» контексли диаграммаси IDEF0 методологиясига асосан ишлаб чиқилди. Диаграмма қуйидаги қирувчи оқимларни ўз ичига олади: фойдаланувчини рўйхатга олиш маълумотлари, тест тўпламидан олинган маълумотлар, танланган тест ҳақидаги маълумотлар. Чиқувчи маълумотлар ифодалаш натижалари ҳисобланиб, улар назорат натижалари тўғрисидаги ва фойдаланувчининг тест натижалари ҳақидаги ҳисоботлардан иборат:

- тестлаштириш давомидаги хатолик тўғрисида хабар: билим олувчилар ўқитувчиларни тестга ўзгартириш киритишни талаб қилишлари мумкин;

- билим олувчиларнинг ўзлаштириши бўйича ҳисоботи: билим олувчиларга муайян интизом бўйича ўз иш фаолиятини таҳлил қилиш ва материалларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқилаётган виртуал назорат тизими дастурий таъминотида ёрдамчи дастурий воситалардан фойдаланилган бўлиб, бу тизимнинг функционал имкониятларини кенгайтиради, бироқ ёрдамчи дастурий воситалар ёрдамида билим олувчиларни баҳолаш, муқаррар равишда тизимнинг жавоб қайтариш вақтини орттиришига олиб келади.

Тақлиф этилган моделлар асосида академик кредит тизими таркибида талабалар билимининг адаптив назоратини амалга ошириш учун махсус *Adaptive Assessment* (адаптив баҳолаш) дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Дастурий таъминотни ишлаб чиқишда веб иловаларни яратишга асосланган дастурлар мажмуасидан (PHP, Java Script, JQuery, MySQL) фойдаланилган бўлиб, дастур турли платформаларда (Windows, Android, iOS, Tizen, Linux, NetWare ва х.к.) ишлашга мўлжалланган, кўп функцияли адаптив баҳолаш имкони мавжуд ва юқори химояга эга.

Диссертация ишининг «Мураккаб тизимларда объектлар ҳолатини адаптив баҳолаш тизими дастурий таъминотининг амалий тадбиқлари» деб номланган тўртинчи бобда объектлар ҳолатини адаптив баҳолаш тизимини ташкил этишнинг дастурий таъминоти ва виртуал дастурий таъминотнинг модуллари интерфейслари, таъминотнинг ҳудудлари асосида ўқув жараёни объектлари ҳолатини таснифлаш натижалари асосида адаптив

баҳолаш тизими асосида анъанавий ва виртуал ўқув жараёнларининг қиёсий тахлили, ҳамда академик кредит тизимида билимларни адаптив назорат қилиш тизимини жорий этиш масалалари келтирилган.

Келтирилган мезонларга асосланиб тестлаштириш натижаларидан олинган маълумотларга кўра чизикли-бўлакли аппроксимация усулида, баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларида ва сирпанувчи ойна усулида олинган маълумотлар ишлаб чиқилган дастурий воситада ўқитилиб, топшириқларнинг мураккаблигига кўра синфларга ажратилди ва қуйидаги натижаларга эга бўлинди. Барча усуллардан олинган натижаларга кўра ўқитиш аниқлиги қуйидаги жадвалда келтирилган.


#### Таниб олиш усуллари асосида олинган натижалар

№	Таниб олиш усули	Ўқитиш аниқлиги (%)
1	Сирпанувчи ойна усули	98,8
2	Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари	96,2
3	Чизикли-бўлакли аппроксимация усули	89,7
4	Полиномиал регрессия усули (III даражали)	86,3
5	Хулоса дарахти усули (Decision tree)	85,5
6	Чизикли регрессия усули	69,3

Ўтказилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар шуни кўрсатадики, ҳолатларни адаптив баҳолаш масаласини ечишда сирпанувчи ойна усулини қўллаганда, таниб олишнинг бошқа усулларига қараганда юқори аниқликка эришилди.

Билимларни адаптив баҳолаш тизимининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш жараёнида назорат топшириқларининг мураккаблигини аниқлашда, яъни тест-топшириқларини экспертларнинг иштирокисиз, автоматик ранжировка қилишда чизикли-бўлакли аппроксимациялаш асосида сирпанувчи ойна усулидан фойдаланилди, билим олувчиларни қобилиятига кўра таснифлашда эса баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари қўлланилди.

Ишлаб чиқилган виртуал ўқув жараёни ва билимларни адаптив баҳолаш тизимининг дастурий таъминоти асосида виртуаллаштирилган ўқув жараёнининг қанчалик самарадорлиги эканлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Виртуал ва анъанавий ўқув жараёнлари асосида билим олувчилар билимини баҳолаш мақсадида виртуал тест-назорат тизимидан фойдаланилди. Ўтказилган тажрибаларга кўра назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида олиб борилган тадқиқот ишлари 8 фоиздан 12 фоизгача самарадорлик кўрсаткичи юқори эканлиги статистик усуллар ёрдамида исботланди.



«Таълим тизимларида ҳолатларни адаптив баҳолашнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Мураккаб ахборот тизимлар гуруҳига кирувчи таълим тизимидаги ўқув жараёнининг тизимли таҳлили асосида ундаги ахборот оқимларининг қонуниятлари ўрганиб чиқилди, ўқув жараёнини виртуаллаштиришнинг асосий компоненталари шакллантирилди ва улар асосида яратилиши режалаштирилган дастурий таъминотнинг базавий модуллари аниқланди.

2. Виртуал ўқув жараёнининг базавий компоненталаридан бири бўлган тест-назорат тизимининг хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида, уни интеллектуаллаштириш ва адаптивлаштириш зарурияти мавжудлиги аниқланди, ҳамда унинг алгоритмик ва дастурий таъминотини яратиш тамойиллари шакллантирилди.

3. Виртуал ўқув жараёнининг кўп босқичли математик модели ишлаб чиқилди ва унинг асосида виртуал ўқув жараёнининг арихитектураси тузилиб, ундаги асосий ахборот оқимлар, ўзаро боғланувчан тугунлар, ахборот оқимларини қайта ишловчи алгоритмик таъминот яратилди. Бу ўқув жараёнини қўйилган мақсад сари бошқариб бориш имконини беради.

4. Ҳолатларни адаптив баҳолаш масалаларини оптимал ечимини топишда сирпанувчи ойналар асосида аппроксимациялашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилди ва таниб олишнинг турли усуллари асосида билимларни адаптив назорат қилишнинг таснифлаш натижалари билан таққослаб, сирпанувчи ойна усули асосида бундай масалаларни ечишда юқори натижага эришиш мумкинлиги асосланди.

5. Баҳони адекват ҳисоблаш алгоритмлари синфида белгиларнинг муҳимлик даражасини аниқловчи сирпанувчи ойна усули тадқиқ этилди ва унинг асосида ахборот вазнларини олиш ва уларнинг мураккаблигини баҳолашнинг ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Натижада адаптив баҳолаш тизимини ишлаб чиқишда объектларни ҳолатига кўра таснифлаш, жумладан тест топшириқларини мураккаблигига кўра таснифлашда ўқитиш аниқлиги юқори бўлишига эришилди.

6. Сирпанувчи ойна усули асосида ишлаб чиқилган адаптив модел ва алгоритмлардан фойдаланиб мураккаб тизимлардаги объектлар ҳолатини баҳолаш, ҳамда техник, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатларини таҳлил қилиш амалиётида бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашувчи дастурий модул яратилди. Яратилган дастурий модулдан таснифлаш масалаларини ечишда фойдаланиб, жумладан корхонада ишлаб чиқилган модул шаклидаги иссиқлик алмаштирувчи радиатор маҳсулотларининг иш жараёнидаги ҳолатини баҳолашда қарор қабул қилиш самарадорлигини оширилишига эришилди.

7. Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари асосида экспертлар сифатини баҳолаш алгоритми ва унинг дастурий модули ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида таснифлаш масалаларини ечишда ўқув танланма жадвалини тўғри

шакллантириш, адаптив назорат тизими маълумотлар базасини шакллантиришда ахборотларнинг ишончлилиги ва аниқлигини оширишга эришилди.

8. IDEF методологиялари асосида ишлаб чиқилаётган дастурий таъминотга кирувчи маълумотлар, унга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсир мезонлари, дастурий таъминотдан натижа сифатида чиқувчи маълумотларни аниқлаштирувчи адаптив баҳолаш тизимининг функционал ва маълумотлар тузилмаси ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқилиши режалаштирилган дастурий таъминотнинг модуллари, унинг таркибий қисмлари, маълумотлар базасининг тузилиши ва унда амалга ошириладиган ҳисоблаш амалларини аниқлаб олиш имконияти пайдо бўлди.

9. Таксимланган виртуал ўқув жараёни компоненталарининг ўзаро таъсир протоколи ишлаб чиқилди. Бу дастурий таъминотдан корпоратив тармоқ муҳитида фойдаланганда тармоқда маълумотларни узатиш ва қайта ишлаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган хатолик ва муаммоларни бартараф этиш имконини берди.

10. Ишлаб чиқилган усул, алгоритм ва дастурий модуллар асосида корпоратив тармоқ муҳитида ишлашга мўлжалланган Adaptive assessment – адаптив баҳолаш тизими дастурий таъминоти яратилди. Яратилган дастурий таъминот таълим тизимида ўқув жараёнидаги ҳолатларни адаптив баҳолаш, билим олувчиларни объектив баҳолаш ва қобилиятига кўра таснифлаш, ҳамда академик кредит тизимида талабаларни кейинги босқични танлашларида тўғри қарор қабул қилишда самарали натижаларга эришилди.

11. Таълим тизимида адаптив баҳолаш тизимини жорий этиш доирасида анъанавий ва виртуал ўқитиш жараёнларининг қиёсий таҳлили келтирилди. Таҳлил натижасида ишлаб чиқилган усул, модел ва алгоритмлар асосида қурилган адаптив баҳолаш тизимининг ўқув жараёнларига қўлланилиши анъанавий усулга нисбатан 8-12 фоизга кўпроқ самарали натижага эришиш мумкинлиги асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**ХИДИРОВА ЧАРОС МУРОДИЛЛОЕВНА**

**МОДЕЛИ, АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ  
АДАПТИВНОЙ ОЦЕНКИ СИТУАЦИЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
СИСТЕМАХ**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,  
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/T447

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** Раджабов Бахтиёр Шарипович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Муминов Баходир Болтаевич  
доктор технических наук, доцент  
Рахимов Нодир Одилевич  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «13» декабря 2019 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 2600). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «30» ноября 2019 года.  
(Протокол рассылки № 19 от «12» ноября 2019 г.).



**Р.Х. Хамдамов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**Ф.М. Нуралиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

**Х.Н. Зайнидинов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире существует вопрос оценки деятельности социально-организационных процессов, уделяется особое внимание определению закономерностей информационного потока при их эффективном решении на научной основе, передаче данных и знаний, их эффективной обработке, а также разработке математических моделей и программного обеспечения систем адаптивной оценки их достоверности и поддержке принятия решений. Огромная работа в этом направлении проводится в Узбекистане и в таких ведущих зарубежных странах мира, как США, Япония, Южная Корея, Германия, Великобритания, Индия, Российская Федерация, Белоруссия.

В мировой практике ведется множество научных изысканий по классификации сложных информационных систем, в том числе классификации возникших проблемных ситуаций в образовательной системе, на основе теории определения фундаментальных методов-описаний, методов интеллектуального анализа и оптимизации данных, а также по разработке архитектуры и программного обеспечения системы адаптивной оценки, закономерностей ее деятельности, сценариев применения. В этой связи, в частности, важной научно-прикладной проблемой является разработка математических моделей и соответствующего программного обеспечения при адаптивной оценке проблемных ситуаций в образовательной системе, выявлении закономерностей информационных потоков в системе адаптивного контроля знаний, относящейся к группе слабо формализованных информационных систем.

В Республике уделяется особое внимание вопросам разработки программных продуктов в целях развития информационно-коммуникационных технологий, обеспечения их безопасности, обработки данных и оценки их надежности, а также внедрения в практику.

В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечен ряд задач, в частности «повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и систему управления»<sup>1</sup>. При осуществлении изложенных выше задач одним из важных вопросов сегодняшнего дня является разработка моделей, алгоритмов и программного обеспечения адаптивной оценки ситуаций в образовательных системах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 30 июня 2017 года № УП-5099 «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в Республике Узбекистан», от 19 февраля 2018 года № УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 5 июня 2018 года № УП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии IV. «Информатизация и развитие инфокоммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** До настоящего момента многими учеными проводились научно-прикладные исследования по вопросам моделирования, разработки и внедрения программного обеспечения и алгоритмизации образовательного процесса и контрольно-тестовой системы в научных учреждениях, специализирующихся на архитектуре виртуальной контрольно-тестовой системы и ее внедрениях. В частности, в работах А. Rios, W.J.Linden, H.Wainer, F.M.Lord, C.Romero, P.O.Pagdale, Б.Ф.Скиннера, Е.И.Машбица, Ю.И.Журавлёва, Л.А.Растригина, А.П.Свиридова, Л.В.Зайцевой, А.В.Соловова, В.С.Аванесова, А.И.Башмакова и Н.О.Прокофьевой изучались вопросы интеллектуального анализа данных, распознавания образов, классификации объектов и моделирования ситуаций в образовательных процессах.

В нашей Республике в этом направлении известны работы академиков М.М.Камилова, Т.Ф.Бекмуратова, профессоров Ш.Х.Фазылова, Н.А.Игнатъева, Н.С.Маматова, Б.Ш.Раджабова, О.Ж.Бобомурадова, А.Х.Нишанова и др.

В настоящее время вопросы архитектуры адаптируемой виртуальной контрольно-тестовой системы, разработки последних версий программных сред, генерируемых в различных платформах на основе моделей и алгоритмов, которые определяют уровень сложности контрольно-тестовых заданий ее программного обеспечения, недостаточно изучены.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планами научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий в рамках проектов: АТД-17-014 «Разработка программного комплекса виртуализации учебных процессов в системе высшего образования» (2009-2011), ИТД-17.БФ-Ф1-007 «Теоретико-методические основы построения интеллектуальных программных технических систем отображения и обработки данных для поддержки

принятия решения в слабо формализованных информационных структурах» (2008-2010), а также прикладного проекта «IT-Nation» (2018-2021), осуществляемого Центром развития информационно-коммуникационных технологий в сфере народного образования.

**Целью исследования** является разработка программно-алгоритмического обеспечения и моделей адаптивной оценки ситуаций в учебном процессе информационно-управленческой системы образования, входящей в группу сложных информационных систем.

**Задачи исследования:**

анализ существующего программного обеспечения, методов и алгоритмов адаптивной оценки ситуации в сложных системах и формализация деятельности компонентов учебных процессов;

разработка эффективного метода для адаптивной оценки ситуаций и решение вопросов классификации в сложных системах;

разработка алгоритмов и модели адаптивной оценки ситуаций в учебных процессах образовательной системы;

разработка программного модуля и механизма оценки качества экспертного заключения для адекватного формирования учебной выборки и базы данных системы адаптивного контроля;

